

фарқни изоҳлашда етарли асослар мавжуд эмас, баъзи ҳолларда улар ўриндош тушунчалар сифатида фойдаланилмоқда. Шунинг учун ушбу

мавзу бўйича кейинги тадқиқотларга эҳтиёж мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Urška Starc Peceny & Vesna Kuralt & Jurij Urbancic & Simon Mokorel & Tomi Ilijas, 2020. [Tourism 4.0: Challenges in Marketing a Paradigm Shift](#)
2. Allamy, Hayder. A., Al-shami, Samer, Ali, Sarli Najwa, Rashid, Nlizwa, Raad, Wisam & Alaraji Z.J (2018): *Measuring the adoption of ubiquitous technology towards online purchase intention in hote industry*, *The Turkish Online Journal of Design, Art andCommunication – TOJDAC, Special Edition*, pp. 1997-1987.
3. Manjari, Ratih Melati Eka (2018): *Introducing Tourism 4.0: What is It and How Do We Get Here?* 2 Oct 2018.
4. Hunter William Cannon, Chung Namho, Gretzel Ulrike & Koo Chulmo (2015): *Constructivist Research in Smart Tourism*. *Asia Pacific Journal of Information Systems*, Vol. 25, No 1, pp. 105-120.
5. Gretzel, Ulrike, Sigala, Marianna, Xiang, Zheng & Koo, Chulmo (2015): *Smart tourism: foundations and developments*. *Electron Markets* 25, pp. 179-188.
6. Starc Peceny, Urška, Urbančič Jurij, Mokorel Simon, Kuralt Vesna & Ilijaš Tomi (2019): *Tourism 4.0: Challenges in Marketing a Paradigm Shift*. *Consumer Behaviour and Marketing*, March 2019.
7. Kandari, O.P. & Chandra Ashish, (2004), *Tourism Development Principles and Practices*, Shree Publishers & Distributors, New Delhi. P. 124.
8. *Evolution of tourism and impact of tourism*. Source: www.surrey.ac.uk
9. Nadiya Dekhtyar, Nuray Turker. *Shifting the structure of the tourism industry under the impact of 4.0 technology*. 4th International Congress on 3D Printing (Additive Manufacturing) Technologies and Digital Industry 2019.
10. Goriup, Paul D.; Ratkajec, Hrvoje (2021). ["Preliminary application of Tourism 4.0 data analytics in Odessa city reveals challenges and opportunities for sustainable tourism development"](#). *Economic Innovations*. 23 (4(81)): 36-43.
11. Milano, Roberta (2017): *Turismo 4.0: come sfruttare i Big Data per una nuova esperienza di viaggio*, 2017.
12. Pino, M. (2018): *Tourism 4.0? Here we explain it to you*, 26 Apr 2018.
13. Evensi (2018): *Tourism 4.0: The Impact of Digital Disruption*, 4 Marc 2018.
14. Tan, Janice (2018): *Tourism Malaysia and tencent tie up for smart Tourism 4.0 initiative*.
15. Saša Zupan Korže. *From industry 4.0 to Tourism 4.0*. *Innovative Issues and Approaches in Social Sciences*, Vol. 12, No.3.
16. Morais, E. P., Cunha, C. R., & Gomes, J. P. (2013). *The information and Communication Technologies in Tourism Degree Courses: the Reality of Portugal and Spain*. *Journal of e-Learning an Higher Education*, 1-10.
17. Bertacchini, F., Bilotta, E., Caldarola, F., & Pantano, P. (2019). *The role of computer simulations in learning analytic mechanics towards chaos theory: A course experimentation*. *International Journal of Mathematical Education in Science & Technology*, 50(1), 100-120.
18. Huang, C. D., Goo, J., Nam, K., & Yoo, C. W. (2017). *Smart tourism technologies in travel planning: The role of exploration and exploitation*. *Information & Management*, 54(6), 757-770.
19. Li, J., Xu, L., Tang, L., Wang, S., & Li, L. (2018). *Big data in tourism research: A literature review*. *Tourism Management*, 68, 301-323.
20. Line, N. D., Dogru, T., El-Manstrly, D., Buoye, A., Malthouse, E., & Kandampully, J. (2020). *Control, use and ownership of big data: A reciprocal view of customer big data value in the hospitality and tourism industry*. *Tourism Management*, 80, Article 104106.
21. Jurij Urbančič, Vesna Kuralt, Hrvoje Ratkajec, Matevž Straus, Alenka Vavroš, Simon Mokorel, Urška Starc Peceny and Tomi Ilijaš. [Handbook of Research on Smart Technology Applications in the Tourism Industry](#). © 2020.
22. <https://tourism4-0.org/tourism-4-0-challenges-and-opportunities-for-the-local-community/>



ТУРИСТИК МАҲСУЛОТЛАР ТАКЛИФИНИ МАВСУМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хамзаева Дилфуза Самаровна -
Термиз давлат университети Туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедраси ўқитувчиси

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a52](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a52)

Аннотация. Мақолада туризм фаолиятини ривожлантириш, бу борада туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштириш масалалари, ундаги давлатнинг роли, хорижий ва маҳаллий олимларнинг қарашлари қиёсий таҳлил қилинди. Туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштиришни таъминлаш учун ишлаб чиқилган туризм концепцияси таҳлил қилинди, мавжуд муаммолар очиб берилди ва илмий асосланган таклифлар берилди.

Калит сўзлар: туризм, давлат, мавсумийлаштириш, тур маҳсулотлари, тадбиркорлик, механизм, туристик хизматлар бозори, ахборот, бюджет, даромад.

ПУТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ УЛУЧШЕНИЯ СЕЗОННОСТИ ПРЕДЛОЖЕНИЯ ТУРИСТИЧЕСКИХ ПРОДУКТОВ

*Хамзаева Дилфуза Самаровна -
Преподаватель кафедры «Туризм и
гостиничный менеджмент»*

Термезского государственного университета

Аннотация. В статье проводится сравнительный анализ развития туризма, сезонности предложения туристского продукта, роли в нем государства, взглядов зарубежных и отечественных ученых. Была проанализирована Концепция туризма, разработанная для обеспечения сезонности поставок туристского продукта, выявлены существующие проблемы и даны научно обоснованные предложения.

Ключевые слова: туризм, государство, сезонность, туристический продукт, предпринимательство, техника, рынок туристических услуг, информация, бюджет, доходы.

WAYS AND PROSPECTS FOR IMPROVING THE SEASONALIZATION OF THE OFFER OF TOURIST PRODUCTS

*Xamzaeva Dilfuza Samarovna -
Lecturer at the Department of "Tourism and
Hotel Management" Termez State University*

Annotation. The article provides a comparative analysis of the development of tourism, the seasonality of the supply of tourism products, the role of the state in it, the views of foreign and domestic scientists. The Tourism Concept developed to ensure the seasonality of the supply of tourism products was analyzed, existing problems were identified and science-based proposals were given.

Keywords: tourism, government, seasonality, tourism products, entrepreneurship, machinery, tourism services market, information, budget, revenue.

Кириш. Туризм турли мамлакатлар миллий даромадини оширишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Глобал иқтисодийнинг муҳим сектори сифатида туризм саноатининг жаҳон ЯИМдаги улуши мос тармоқлардаги мультипликатив самарани ҳисобга олган ҳолда 6 %ни ташкил этмоқда. Иқтисодийнинг туризм тармоғи жаҳонда иш билан бандликнинг 6-7 %ини таъминловчи иш жойларини яратишда етакчилик қилмоқда. Халқаро туристик ташкилот (UNWTO) маълумотларига кўра, туризм дунё бўйича хизматлар экспортининг 30 %ини таъминлайди [2].

Бугунги кунда республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳусусан, туризм соҳасини ривожлантиришда жаҳонда юз бераётган коронавирус пандемияси оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи назардан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 26 апрелдаги туризмни ривожлантириш тўғрисида йўналишларни белгилашга бағишланган йиғилишида “Туризмни ривожлантириш бўйича 2022 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Шунингдек, туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш учун бюджетдан маблағлар ажратилди” деб [1] таъкидлаши асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган.

Республикамизда иқтисодийнинг инновацион ривожланиши шароитида туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг аҳамияти беқиёс эканлиги кўрсатилмоқда. Бу эса республикамизда туризм соҳаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини ёритиб бериш амалга оширилаётган ислохотлар негизида алоҳида стратегик аҳамиятга эга стратегик йўналиш ҳисобланади.

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг замонавий усулларини қўллаш соҳа ривожининг асоси ҳисобланади. Улардан бири туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштиришдир. Мавсумий туризмни шакллантириш туристлар оқимининг йил давомида кўпайиб боришини таъминлайди. Республикамизда туристларни жалб этиш, асосан, баҳор, ёз ва куз ойларида тўғри келади. Мавсумийлаштириш эса туристлар оқимининг йил давомида келиб туришини таъминлаб беради. Туристлик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштириш бевосита янги туристик жойларни ташкил этиш билан боғлиқдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

МДХ мамлакатлари олимларидан М.М.Рамаднова ва М.А.Макорченколарнинг фикрича, “Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг биринчи навбатдаги вазифалари туризмни ҳуқуқий тартибга солишнинг келгусидаги такомиллаштирилиши, ривожланиши ва мавсумийлаштирилиши билан бевосита боғлиқ”.

Туристтик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштириш бозор механизми шаклланишининг қулай шарт-шароитларини таъминлаш, давлатнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий мақсадларини реализация қилиш ва туризм ривожланишининг умумий концепциясини ишлаб чиқиш учун асос бўиб хизмат қилади” [3].

К.А.Лебедеванинг фикрича, “туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштириш давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиши керак, чунки давлат туристик манзилларни яратишда бевосита иштирокчи ҳисобланади ва ушбу соҳани мувофиқлаштириш бўйича механизмлар тизимини ўз ичига олади” дея тарифлайди [4]. Демак К.А.Лебедева мавсумийлаштиришда давлатнинг ҳам роли аҳамиятли эканлигини таъкидлайди.

М.Т.Алимованинг фикрича, ҳудудий туризм бозори ривожланишида туристик маҳсулотларнинг таклифини мавсумийлаштириш, туристик маҳсулотлар бозорининг мўътадил ишлашини таъминлаш, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган концепцияни ишлаб чиқишда кўмаклашиш, туристик маҳсулотлар бозори субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш учун хизмат қилади [5].

Б.Б.Хошимовнинг илмий изланишларида “Туристтик хизматлар бозорида туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштириш мамлакат ҳудудий салоҳиятидан самарали фойдаланишга замин яратади, чунки дастлаб туризм соҳасида тадқиқотлар нафақат талабни ўрганиш ва унинг потенциал мижозларини аниқлашга, балки талабнинг ўзини ҳисобга олган ҳолда шакллантиришга ҳам қаратилган” [6] деб таъкидланади.

А.А.Қаюмов, Д.А.Гафуроваларининг фикрига кўра, “Ўзбекистонда дам олиш масканлари, даволанишни таъминловчи марказлар, курорт масканлар, маъданий ва маърифий тадбирлар ташкил этиш, тур фирмаларнинг фаолиятини маркетинг стратегиялари орқали реклама қилиш туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади” [7]. Ҳақиқатан ҳам мавсумийлаштириш учун туристларни жалб эта оладиган масканларни яратиш лозим.

Х.М.Маматқулов, С.А.Абдухамидов, М.Х.Хамитовлар: “Туризм инфратузилмаси” номи ўқув қўлланмасида “Туризм соҳаси юксак даражада ривожланган давлатларнинг тажрибасидан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштириш, энг аввало, янги туристик масканларни яратиш билан бевосита боғлиқдир” [8], – деб айтиб ўтишган.

Илмий изланишлар натижасида айтиш мумкинки, туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштириш, аввало, давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва янги масканларнинг очилиши билан боғлиқ, бу борада тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ҳудудда истиқомат қиладиган фуқаролардан ўз ҳудуди жозибадорлигини оширишда кўмаклашиши талаб этилади. Ана ўшандагина туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштириш энг юқори даражада амалга оширилади [9].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, туризмни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари ва йўналишларини ёритиш жараёнида соҳадаги трансформация жараёнларини ҳисобга олиш, туризм соҳасида давлатнинг ролини методологик ўрганиш, бу борада мутахассислар фикрини ўрганиш натижасида диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларида фойдаланилди ҳамда инфратузилманинг таркибий қисмлари ривожланиш йўналишларини белгилаб бериш ёндашуви асосланди. Мавсумийлаштириш бўйича муаммоларнинг ечимига қиёсий таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда илмий асосланган таклифлар берилди. Объект сифатида туристик маҳсулотлари таклифи мисол қилиб олинди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиздаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва туризмни ривожлантиришни ўзида акс эттирадиган кўрсаткичлар соҳада амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясининг муваффақияти ҳамда туризм саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларида эришилган ютуқларнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Иқтисодий манфаатларга эришиш нафақат давлат тузилмаларини, балки хўжалик юритувчи субъектлар сифатида тадбиркорларни ҳам ўз ичига олганлиги сабабли, бизнинг фикримизча, туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштиришни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш бўйича ёндашувларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган туризм саноатига эга мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, туризм

соҳасида бизнеснинг муваффақиятли олиб борилиши давлат даражасида бу тармоққа қандай эътибор берилаётганлиги, уни давлат томонидан қай даражада қўллаб-қувватланганлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ҳар бир давлат туризм саноатидан бюджетга даромад олиши учун туристик салоҳиятни баҳолаш, туристик бизнеснинг ривожланиш дастурини тайёрлаш, туристик марказлар ва курорт ҳудудларининг зарур инфратузилмаси лойиҳалари, уларни ахборотлар билан таъминлаш ҳамда хориж учун бренд ва рекламаларни тайёрлаш учун ўзларининг ҳудудлари тадқиқотига инвестициялар қилиши зарур [10].

Маълумки, кўп ҳолларда туристик инфратузилманинг асосий элементлари сифатида курортлар, меҳмонхоналар ва туристик корхоналарнинг ривожланиши учун хусусий тадбиркорларнинг инвестициялари етарли бўлмайди, улар миллий туристик маъмуриятининг алоҳида функцияларини бажаришга қодир бўлмайди. Туристик талаб ва таклифга таъсир этувчи омилларни бирлаштириш яхлит мамлакат ёки унинг ҳудудларининг ривожланиш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш йўли билан амалга оширилиши зарур.

Мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризм соҳасининг аҳамияти ва унинг иқтисодиётга мультипликатив таъсири доирасининг кенгайиб бориши хорижий мамлакатларнинг кўпчилиги туризм саноатининг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва туризмни иқтисодиётнинг энг устувор тармоқларидан бири сифатида қарашга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

XX аср охири ва XXI аср бошларида бир қатор мамлакатлар туризмни тартибга солиш соҳасида ўтказилган сиёсат ва тадбирларнинг

таҳлили ривожланган туризм инфратузилмаси билан барча мамлакатлар учун умумий ҳисобланган баъзи асосий мавсумийлаштириш ёндашувини ажратиш мумкин [11]:

– яхлит мамлакат иқтисодиёти ва хусусан, алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига туризмнинг кенг доирадаги таъсири ва муҳимлиги ушбу мамлакат учун юқори даражадаги мультипликатив самарани вужудга келтиради;

– туристларнинг келишини мувофиқлаштириш мақсадида мавсумдан ташқари туризмни рағбатлантириш ва мос равишда туризм инфратузилмаларига (аэропорт, авиа йўналишлар, транспорт коммуникациялари ва жойлаштириш воситаларига) босимни камайтириш муҳим ҳисобланади;

– янги туристик маҳсулотларни яратиш ва уларнинг рақобатбардошлиги ва туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида замонавий технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш туризмда трансформациялашиш жараёнлари чуқурлашишига олиб келади;

– туристлар учун хавфсиз ҳудудларни ташкил этиш ва уларнинг дам олиши билан боғлиқ хавфсизлик чораларини кучайтириш зарур;

– тарихий ва маданий мерослар ҳамда экологияни ҳимоялаш бўйича чоралар ва туризмни ривожлантириш бўйича тадбирларнинг узвий ўзаро алоқадорлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга;

– туристик хизматлар менежменти ва маркетинги, туризм бозорини ривожлантириш тенденцияларини таҳлил қилиш ва истиқболлаштириш бўйича доимий ва кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш келгусида туризм бозори конъюнктурасининг реал ҳолати бўйича хулосалар чиқариш имконини беради.

1-жадвал

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари[12]

№	Кўрсаткичлар номи	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
1.	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони (минг киши)	5 346	6 041	7 010	8 410	10 010	10 600	11 250	11 810
2.	Туризм хизматлари экспорти (млн. АҚШ доллари)	1 041	1 180	1 360	1 620	1 900	2 000	2 080	2 170
3.	Ички туристлар сони (мингта ташриф)	15 493	16 100	17 230	18 806	20 317	21 867	23 404	25 010
4.	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона)	914	1 100	1 620	2 200	2 600	2 800	2 900	3 050
5.	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг)	20,2	24	35	47	55	59	62	64
6.	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг)	41	49	72	95	110	122	124	128
7.	Туроператорлар сони (нафар)	983	1 100	1 190	1 250	1 320	1 390	1 420	1 450

Шу билан бирга, давлат томонидан туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштиришга имкон берадиган туризм концепцияси ишлаб чиқилди. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Ҳозирда 2022 йил иккинчи ярмида сайёҳлик фаоллиги 50 фоизга пасайиши тахмин қилинмоқда, бу йил халқаро туризмдан умумий экспорт тушумининг прогнози 2019 йилдаги 1,75 триллион доллардан 0,9 триллион долларга тушди [9].

Ички ва кирувчи туризмни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири энг яхши мижозни шакллантириш учун он-лайн платформада барча бозор иштирокчиларини бирлаштирадиган туризм экотизимини шакллантириш учун шароит яратишдир.

Хулоса ва таклифлар. Туризм соҳасида қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган мақсадли вазифа, устуворлар ва туристик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштиришдан келиб чиқиб, қўйидаги асосий йўналишлар бўйича чора-тадбирларни фаол амалга ошириш лозим:

– туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олган ҳолда, мамлакатнинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани ривожлантириш;

– замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда кўча инфратузилмасини (ўтиш йўллари, тротуарлар, кичик архитектура шакллари, санитар-гигиеник шохобчалар, жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун ободонлаштириш элементлари ва ҳоказоларни), шу жумладан, туризм-рекреацион марказларда яратиш;

– туризм навигациясининг ягона унификациялаштирилган тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

– транспорт логистикасини ривожлантириш, ташқи ва ички йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш;

– халқаро парвозлар ва тўғридан-тўғри, шу жумладан, мамлакатнинг тарихий шаҳарларига рейсларнинг географиясини кенгайтириш, авиақатновлар сифатини ошириш ва қийматини пасайтириш;

– республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминлайдиган ички туризмни ривожлантириш;

– туристик маҳсулотни ички ва ташқи туризм бозорларида илгари суриш, унинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз мамлакат сифатидаги имижини мустаҳкамлаш;

– миллий туризм бозорида минтақадаги энг йирик туризм кўргазмаларидан бирини ташкил қилиш;

– туризм соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган узлуксиз, кўп босқичли таълим тизимини яратиш;

– туристик хизматлар бозорида рақобатни ҳимоя қилиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Туризмни ривожлантириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. 26.04.2022 й. www.president.uz
2. <https://www.unwto.org/>
3. Рамадонова М.М., Макаренко М.А. Государственное регулирование туристической деятельности. //Альманах научных работ молодых ученых университета ИТМО. 2016. С. 211-213.
4. Лебедев К.А. Совершенствование государственного регулирования в сфере туризма. //Стратегия устойчивого развития регионов России. 2014. № 24. С. 139-141.
5. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.
6. Хашимов Б.Б. Туризм соҳасини ривожлантириш учун рақамли технологиялар. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723.
7. Қаюмов А.А., Гафурова Д.А. Ўзбекистонда туризм ва рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш – республика иқтисодиётини юксалтирувчи муҳим омил. // Экономика и финансы, 2014, 10-б.
8. Маматқулов Х.М., Абдухамидов С.А., Хамитов М.Х. Туризм инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. 2020 й. – 126 б.
9. Муаллиф илмий изланишлари натижасида шакллантирилди.
10. Якубов Ў., Ваҳобов Х. Рекреацион география асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Fan va texnologiya, 2012. –144 б.
11. Новичков В.И., Полозков М.Ю. Анализ опыта государственного регулирования туризма в развитых странах. // Journal of new ecomoty. 2008. № 3 (22). С. 46-48.
12. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси (ЎЗР Президентининг 05.01.2019 й. ПФ-5611-сонли фармонида 1-илова).